

МАФКУРАВИЙ ВАЗИЯТ – муайян минтақа ёхуд мамлакат ҳаётида мафкураларнинг ўрни ва мавқеи, улар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ жараён ва шарт-шароитлар мажмуи. 20-а.нинг 90-йилларига келиб, жаҳонда социализм лагери барҳам топди. Дунё сиёсий харитасида ўзларининг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олган ўнлаб суверен давлатлар пайдо бўлди. Айни пайтда социалистик ғоялар ҳукмрон бўлиб келган ҳудудни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш билан боғлиқ вазият юзага келди. Бу вазият буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкуравий таҳдидларда намоён бўлмоқда. Бундай вазиятда фақатгина кучли, халқ иродасини ўзида акс эттирган ғояларгина мамлакатни, жамиятни ёт ғоялар таъсиридан, мафкуравий тазйиқлардан муҳофаза қила олади. М.в. ўз характери, ҳаракатлантирувчи кучлари ва юзага келиш сабабларига кўра қулай ёки ижобий, ноқулай ёки салбий тусга эга бўлади. Агар мамлакатда миллийлик руҳи билан суғорилган, халқнинг эзгу-мақсадларини ўзида акс эттирадиган, жамиятнинг турли қатламларини бир мақсад томон йўналтирадиган ғоялар ҳукмронлик қилса, у ҳолда бундай мамлакатда қулай ёки ижобий М.в. вужудга келган ҳисобланади. Турли хил мафкуралар мавжуд бўлса-да, улар жамиятни ягона умуммиллий мақсадга йўналтирмаса, халқ бегона ғоя ва мафкуралар тазйиқидан холи бўлмаса, бу мафкуралар кишиларнинг орзу истакларини юзаки акс эттирса, у ҳолда мамлакатда ноқулай, салбий, таъбир жоиз бўлса, хатарли М.в. вужудга келади. Бундай ҳолатда мамлакат парокандаликка учраб, жамият ўз тараққиёт йўлини йўқотиши ва боши берк қўчага кириб қолиши мумкин. Ёш мустақил давлатлар учун М.в. масаласи жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бундай давлатларнинг келажаги, тараққиёт йўли ана шундай М.в.нинг қандайлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунингдек, М.в. жамиятда янги мафкуранинг шаклланиши, ривожланиши ва халқ онига сингдирилиши борасида амалга оширилаётган ишларни, муайян ҳудуд ёки минтақадаги хилма-хил мафкураларнинг ҳукмронлик учун бўлган ўзаро курашларини ҳам англатишини унутмаслик зарур. Айни пайтда М.в. янги, шаклланаётган мафкура б-н ўз “вазифа” бажариб бўлган ёки адо эта олмаган мафкура, ёки унинг қолдиқлари ўртасида муросасиз кураш боришини ҳам ифодалайди.